



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 5 " may

Қ-395 -son

Termiz sh.

Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви "Қуштепа" маҳалласи ҳудудидан Сурхондарё вилояти ўсимликлар карантини давлат инспекциясига кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ва қоровулхона, маъмурий бино ва фумигация (зарарсизлантириш) биноси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4861-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 30 апрелдаги 05-02/359-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 15 апрелдаги 55-сон хулосаси, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 02 апрелдаги 01-05/120-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви "Қуштепа" маҳалласи ҳудудидан Сурхондарё вилояти ўсимликлар карантини давлат инспекциясига қишлоқ хўжалик харитасининг 101ақ-дала контуридаги жами 0,60 гектар яйлов ер майдони, шундан 0,55 гектари кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш учун хорижий мамлакатлардан кириб келган зарарланган карантин остидаги маҳсулотларни йўқ қилиш (кўмиш, ёқиш) тадбирларини ўтказиш учун ва 0,05 гектари қоровулхона, маъмурий бино ва фумигация (зарарсизлантириш) биноси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Сурхондарё вилояти ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ажратилаётган 0,05 гектар яйлов ер майдонига қоровулхона, маъмурий бино ва фумигация (зарарсизлантириш) биноси қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 764 651 (етти юз олтмиш тўрт минг олти юз эллик бир) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га

ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб- сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов